

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№82 (6.607). Sotuvda erkin narxda

Мен ишонаман, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажагига ишонч билан қараш масаласида бизнинг журналистларимиз ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Аввало, ўзининг машаққатли меҳнати, ижодий салоҳияти билан жамиятимизда демократик матбуот ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, журналистларни, барча оммавий ахборот воситалари ходимларини кутлуг байрамнинг билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугун газета ва журналлар, радио ва телевидение тахриратларида, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатиш идораларида хизмат қилаётган, бир сўз билан айтганда, умрини шу соҳага бағишлаган заҳматқаш инсонларнинг касб байрамидир.

Шу билан бирга, ушбу сана эркин сўз, ҳолисона ахборотни ўзи учун маънавий эҳтиёж деб биладиган, матбуот орқали ўз билим ва тафаккури, дунёқарабини кенгайтиришга интиладиган ҳар бир одам ҳаётида алоҳида ўрин тутайди, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шу айём муносабати билан биз матбуот ва ахборот вакилларини қизгин табриклар, уларнинг серқирра фаолиятига эътибор қарата эканмиз, журналистларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатини таъсирчан қилиш, баҳолаш билан бир қаторда, яна бир бор мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, бу ишга ўз ҳиссамизни қўшиб ҳақиқийда ўйлашимиз табиий.

Бугун юртимизда халқимиз, ажодларимиз неча асрлар орзу қилган, умумбашарий ва миллий ғоялар ҳамда қадриятларнинг уйғунлигига асосланган янги давлат, янги ҳаёт, инсон эркин нафас оладиган, ўз фикрини мураккаб ифода этиш имконига эга бўлган очик жамият қуриш ва дунёдаги тараққий қилиш демократик давлат билан ҳамнафас ва ҳамкор бўлиб яшаш - бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Бугун биз, янги ХХI асрнинг ўзига хос белги-аломаати бўлмиш информацион «портлаш» рўй бераётган глобаллашув шароитида, ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда яшамоқдамиз.

Илгари фарз қилиш ҳам қийин бўлган замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дунёнинг у чексиздан бу чексизга яшин тизлигида маълумот узатиш, хатто рангли тасвирларни етказиб бериш ҳам оддий ҳолга айланган бўлмоқда.

Лунда қилиб айтганда, бугун ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқ, эркин сўзга чегара қўйиш учун ҳар қандай интилиш ва ҳаракатлар бутунлай бейғойда ва бесамар эканини, ўйлайманки, ҳар бир ақли расо одам англаб етди.

Бундай вазият, бугунги замон, ўз навбатида, матбуот ахли олдида янги ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Шулар қаторида хозирги кескин ўзгаришлар даврида Ватанимиз, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши нақадар мураккаб жараён эканини, ўз тиланган мураккаб тараққий йўлидан собитқадамлик билан бориш ҳеч қачон, ҳеч қайси миллат учун осон кечмаганини инобатга олган ҳолда, бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифаларнинг мазмунини, рўй

бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода қилиш ва мавжуд муаммоларни ечишда матбуотнинг роли ва аҳамияти бекиёсдир.

Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваломбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродан талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатиши лозим.

Яна бир муҳим вазифа - дунёдаги замонавий ахборот технологиялари билан бирга, юксак профессионал маҳоратни эгаллаш, етук мутахассислар, тахлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган журналистларни тайёрлашдан иборат, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Миллий матбуотимизни биз ўзимиз орзу қилаётган халқаро талаблар даражасига кўтариш учун яна нима етишмаяпти? Мен, бунинг учун фақат тажриба, тажриба бўлганда ҳам, илгор, замонавий мезонларга мос келадиган тажриба керак, деб айтган бўлар эдим.

Шуни ҳам очик айтишимиз зарурки, бизга бу борада баъзан шижоат етишмаяпти. Етмиш йил давомида қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган одатлар, яъни ҳокимият фаолиятига танқидий кўз билан қарашнинг йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтгани-айтган қабилидаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун журналистлардан ишимизга халақит бераётган ана шундай асоратларни бартараф этиш, жамиятимизда эркин фикр муҳитини қарор топтириш йўлида белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш талаб этилмоқда.

Мен ишонаман, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажагига ишонч билан қараш масаласида бизнинг журналистларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Азиз дўстлар! Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор кутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, аввало, матбуот соҳасига кўп меҳнати сингган мўътабар оқсоқолларимизга, яна узок йиллар ораимизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромини изхор этмоқчиман.

Матбуотимизнинг кутлуг даргоҳига катта оруз-умидлар билан кириб келаётган навқирон авлод намояндаларига эса, сизлар халқимизнинг олий мақсадларини рўйбга чиқариш, ёруғ келажагимизни барпо этиш учун билимингиз, бор куч-ғайратингизни сафарбар этасиз, деб ишонч билдираман.

Хаммангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Аёл. У нималарга қодир? Унинг бахти, қувончи нимада? Ойла, иш. Ҳар иккиси ҳам бадастир бўлса-чи? Бундан ортик бахт борми?.. Ҳазорасп туманидаги "Озод" ширкат хўжалигининг етакчиси Раъно Авезовага ҳамма хавасманд. У ўз ишининг устаси, билимдон, мулоҳазали раҳбар. Шу боис жамоа фойда билан ишлапти, деҳқону соҳибдорлар тўқ. Қани энди юртимизда ана шундай етакчилар кўп бўлса... СУРАТДА: Раъно Авезова.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйини нишонлаш учун сўнги тайёрларлик ишлари олиб беришмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Нукус шаҳрининг муборак тўйини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш учун ҳамма нарса тахт. Кўчалар, хиёбонлар, марказий майдонлар, ҳуллас, 200 квадрат километр эгаллаган мазкур шаҳар байрам либосига бурканган. Тантаналар атрафида унинг яқин тарихига бир назар ташлаш мақсада мувофиқдир. Шаҳар қурилиши асосан 1932 йили бошланган. 1939 йили эса Қорақалпоғистон пойтахти вақтинчи ўртқўл шаҳридан кўчирилган. Тарихий манбаларда шаҳарнинг айна пайтадаги марказий қисмидаги Шўрча қалъаси тилга олинади. Мазкур қалъа икки минг йиллар илгари Хоразм давлатининг шимолий-ғарбий иттиҳомли вазифасини бажарган. Аммо шаҳарнинг ривожланиши оқсалини ўтган асрнинг 70-80 йилларига тўғри келади. Чунончи, 60 га яқин йирик саноат корхоналари, металлний қайта ишлаш, темир бетон буюмлари, машина таъмирлаш заводалари, Германия технологияси асосида махсулот ишлаб чиқариш ва хориққа экспорт қиладиган

"Кабель" хиссадорлик жамияти, "Нукустошмармар" шулар жумласидандир. Шу кеча-қундузда 52 та қурилиш-монтаж ташкилотлари, 250 дан кўпроқ ўрта ва кичик бизнес корхона

Нукуснинг 70 йиллигини муносиб тарзда қутиб олиш юзасидан мисли қурилмаган даражада ишлар бажарилиди, - дея таъкидлайди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Аҳмед На-

ОРОЛЬЎЙИДАГИ МУАЗЗАМ ПОЙТАХТ

налар ишлаб турибди ва йилга 9 миллиард сўмлик халқ истеъмол молтини тайёрламоқда. Шунингдек, маъмурий бинолар, меъморий обидлар, Бердақ номидаги университет, Тошкент педиатрия институтини филиали, 18 та касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар 43 та умумтаълим мактаблари, 51 та мактабгача таълим муассасалари Улугбек, Бердақ, Ажиниёзнинг маҳобатли хайкаллари, музейлар, Бердақ ва С.Уҳажиниёзов номидаги театрлар худди шу даврда бунёд этилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 8 майдаги қароридан кейин

римиётов. - Қисқа муддатда Нукус аэропорти бутунлай қайта тазмирланди. Бу мақсадлар учун 1 миллиард 190500 минг сўм сарфланди. Ажиниёз майдонидаги Санъат мустиқ муваффақиятли тамолланди. Бердақ номидаги мусиқали театр, 1-сон республика касалхонаси замон талаблари даражасида реконструкция қилинди. Иккита 20 хонадонга, битта 32 хонадонга мўлжалланган турар жойларда ҳовли тўйлар ўтказилди. Халқлар Дўстлиги, Ажиниёз, Мустиқлик майдонлари, Н.Жапоқов, П.Сейитов хиёбонлари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг

Мукофотлар муборак!

ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМФАРМАСИ ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ 2002 ЙИЛДА АЛОҲИДА ФАОЛЛИК КўРСАТИБ, САМАРАЛИ ИЖОД ҚИЛГАН ҚўЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАРНИ

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ

танлови голиби ва совриндорлари деб топди:

Комилжон ШАМСИЙДИНОВ - Ўзбекистон телевидение-сидаги туркум ижтимоий-сиёсий кўрсатувлари учун. (Журналист).

Абдувахоб ПИРМАТОВ - «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган мақолалари учун. («Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти мўҳбири).

Тўлқин РЎЗИЕВ - Болалар спорти мавзусидаги чиқишлари учун. («Спорт» газетаси мўҳбири).

Виктор ДЕГТЯРЕВ - Халқаро мавзудаги мақолалари учун. («Правда Востока» газетаси бош мўҳаррири ўринбосари).

Ҳадича КАРИМОВА - Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун. (Фарғона вилояти Охунбобоёв тумани «Истикбол йўли» газетаси бош мўҳаррири).

Абдуғани ЖУМАЕВ - Республика матбуотида босилган фотопублицистик асарлари учун. («Ёшлик» журнали).

Қўйидаги журналистлар рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари бўлишди: Жўра Бобораҳмат (ЎзТВ), Турсунбой Ботирбеков (ЎЗА), Норбек Ниёзов (Ўзбекистон радиоси), Менгнор Олломурадов («Қишлоқ ҳаёти» газетаси), Марат Таумуратов (Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси), Феруза Полтаева («Ёш куч» журнали).

(Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 4-бетиде бўлишган)

АЪЛОЧИ ЎҚИШДАН НЕГА ҲАЙДАЛДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг бундан икки йил муқаддам эълон қилинган "Олий ўқув юртыларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредити бериш тўғрисида"ги қарори талабалар, ота-оналар учун муҳим воқеа бўлди.

Олийгоҳга кириш учун тест синовлари топширган талаба энди "бюджет"га аввалгидек бир балл, ярим балл етмай қолгани учун "чемодан"ни кўтариб, руҳи тушиб, уйига қайтиб кетмайди. У ўзи истиқомат қилаётган шаҳар ёки тумандаги тижорат банкларининг бирига учрашиб, ҳужжатларини расмийлаштириб, таълим кредити олиши ва бемалол ўқишини давом эттириши мумкин.

Қандай яхши! Утган йили биргина Наманган вилоятида 323 нафар йигит-қизлар таълим кредити олиб, турли олий ўқув юртыларининг талабалари бўлди.

Бу рақам кўпми **ВАЗИЯТ** ёки оё? Таълим кредити соҳасида қандай ютуқлар бор-у, қандай муаммолар бор? Келинг, мазкур вилоят мисолида саволларга жавоб излаб кўрайлик.

Дарҳақиқат, ҳукуматимизнинг таълим кредити бериш ҳақидаги қарори илм олишга иштиёқманд талабалар учун ҳам, уларнинг ота-оналари учун ҳам қувончли воқеа, катта имтиёз бўлди, дейди Республика Марказий банки вилоят бош бошқармаси тижорат банкларини назорат қилиш бўлими бошлиғи Акмалхон Меҳмоннов, - шу билан биргаликда, ўтган қисқа давр бу ўзига хос янгиликнинг муаммоли томонларини ҳам кўрсатиб қўйди.

(Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

Дарҳақиқат, Бўстон шаҳридаги масъулиятли чекланган "Элнур" хиссадорлик жамиятини нафақат Қорақалпоғистон Республикасида, балки Россия Федерациясининг айрим ҳудудларида сифатли махсулот етиштирувчи, ҳалол ҳамкор сифатида яхши билишади. Пахта момиги, ёғиш ишлаб чиқараётган мазкур корхонанинг

"ЭЛНУР" ЭЛГА ТАНИЛДИ

элга танилиши боисини асосан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда давр билан ҳамжамда бўлишда, деб ҳисоблашди. Бу гада жон бор, албатта. Чунки, корхонада Қорақалпоғистон Республикасида биринчилардан бўлиб мулк шакли ўзгарди, ҳар бир ишловчи пировард натижани астойдил кўзлаб меҳнат қила бошлади. -Айниқса, ўтган йилдан

(Давоми 2-бетда)

ҚУРИЛИШДА ҲАМ ИХТИСОСЛАШУВ ЗАРУР

Президентимизнинг жорий йил 6 майдаги "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни тугатиш, бозор муносабатларини чуқурлаштиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Лойиҳа-пудрат ишлари ва қурилиш ашёлари бозорларини шакллантириш юзасидан илгари қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилди.

Утган йил якунларига қўра, республикада капитал қурилишда бажарилган 707,6 млрд. сўмлик ишларнинг 618,2 млрд. сўми ёки 87,3 фоизи мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги пудратчи корхона ва ташкилотлар ҳисобига тўғри келди. Соҳада йирик **ФИКР** иншоотларни қуриш имкониятига эга бўлган хусусий фирмалар пайдо бўлмоқда. Тошкент шаҳридаги "Элеком", Наманган вилоятидаги "Сардор", Самарқанд вилоятидаги "Темп", Андижон вилоятидаги "Йўлсоз" ва бошқа хусусий фирмаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Қурилиш ташкилотлари орасида хусусий корхоналар салмоғи ўтган йил якунига қўра 55,6 фоизи ташкил этди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари эса 10 мингтадан ошди. Бу кўрсаткич 2001 йилдаги нисбатан салкам 900 та кўп, демакдир. Улар томонидан бажарилган умумий қурилиш ишлар ҳажми 41 фоизи ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 2,5 марта ортди. Шу билан бирга, пудратчи ташкилотлар фаолиятида қурилиш ишлари харажатларини камайтириш, сифатини ошириш борасидаги изланишлар талаб даражасида эмас.

(Давоми 3-бетда)

ИЗХОР

Ўзбек радиожурналистикаси ўзига хос тараққий йўлидан бормоқда. Аммо, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. "Ёшлар" радиоканали бош мўҳаррири Зокир Худойшукуров билан бўлган суҳбатимиз мавзун ана шу масала атрафида кечди. -Зокир ака, сизнинг назарингизда бугунги кун

ДИЛКАШ ҲАМРОҲ

кин. Кейинги йилларда нодавлат радиолари сони ошди. Аммо, сон ошиши сифат ошишини ёхуд радиожурналистиканинг ривожланганлигини белгилаб бера олмайди-ку! Чиндан ҳам шундай. Агар биз номма-ном санамётган нодавлат радиоларини тинглаб кўрсангиз, уларнинг бир-биридан фарқини, ўзига хос жиҳатини то-

(Давоми 4-бетда)



КЕЛГУСИ СОНДА:

ПАНАДАГИ "ТИЖОРAT"

ЖАЗО

ТАРИХ ЯРАТГАН ТАБИБ



“ҚОВУН ТУШИРИЛДИ” ВА ЁҒОЧ ЮКЛАНДИ

Бултуров бир ишини 30 йилдан буй мактайдди: -Етмиш вагон ёғочни бир кунда юклатиб юборибман-да.

...Туманинг ушай пайтадаги раҳбари Қорабоев уни хонасига чақирди-да, қаҳрига олаверди: -Сиз лиллаччиликнинг ашаддий душмани экансиз. Сизда тирноқча инсоф йўқ, Сиздай одамга хайф...

Қорабоевнинг талаби қанчалик ҳақ бўлса, етмиш вагон ёғочни ташитиш шунчалик иложсиз эдики, жонида жон қолмаган Бултуровнинг боши қотди. Каттанинг газиби ёмон... У лавлагидай бўлиб ўз хонасига кириб бораркан, қабулхонада ҳисобчи Маллавоёв Турғуновга кўзи тушди. уни кўрдию, калласига қалтис бир фикр келди:

-Бу ёққа юр-чи, ука... Бултуров айтаверди, Турғунов ёзаверди: "Шаҳсан раисга! Сўнчака келган ёғоч бугундан кечиктирмай ташиб олинсин, бор техника зудлик билан сафарбар этилсин! Қорабоевнинг топшириғига биноан хабар берувчи Маллавоёв Турғунов".

Телефон орқали ҳамма ҳўжаликка хабар етказилди, ярим соат ўтар-ўтмас, станция чўп тикилган ари уясига айланди-қолди. Ёғочнинг ярни ташилганда ижрокўм раисининг қора "Волга"си етиб борди:

-Хўжайин сўраятдилар, кайфият жуда чатак, - маънодор шивирлади шофёр. Беш дақиқадан сўнг "ижрокўм раиси Маллавоёв Турғунов" деб ёзилган эшик остонасида ҳозир бўлган Бултуров нега чақирилганини ҳам, "кайфият"нинг сабабини ҳам биларди.

-Қанақа бемаза одамсиз? - тўтоқиб кутиб олди Турғунов. - Гўё мен тўфайли бутун район ёғоч ташитётган эмши. Кейин билсам...

-Каттанинг топшириқлари... -Нега менинг номимдан телефонограмма тарқатасиз? Нима ҳақингиз бор? - дағдага қилди раис.

Бултуров гап нимадалигини анди пайқаган одамдай бошини чаңгаллаб қолди: -Ахир, ҳисобчи сизга адаш - Маллавоёв Турғунов экани эсимда йўқ. Бир қошиқ қонимдан кечинг, Мамавоёв Турғунов, қовун туширибман.

-Ким у? - анграйди бўшашиб тушган хона соҳибни. - Мен бошлиқ бўлган йиллари бошқармадаям ишлаганмасми? -Худди ўзи.

-Баттол ўшандаям иш кўрсатарди, - соддалик билан илжайди ховридан тушган Турғунов. - Икки сафар менга ёзилган муқофотга қўл қўйиб олиб, қайтиб бермаган.

-Ана, хўжайин, уни ўзингиз "бузган" экансиз-да, - деди осонгина қутулишига батамом ақли етиб қолган Бултуров ваэтинга янада қоматши илжинди. - Мана энди номингиздан иш кўриб, ҳамма ёқни тўпалон қилиб...

Уз гапи ўзига наъша қилган Бултуров хиринларкан, Турғунов ҳескин томоқ кирди: -Тепасида ўзингиз туринг, ёғоч савилингиз кечагача тамом бўлсин. Инжайкейин, ўша ҳисобчингиз телефондан узокроқ юра қолсин. Манавинақа гални кўпайтириб...

Рустам УММАТОВ, Чортоқ тумани.

ҚУЙИЛМАГАН ҚАРИЯ

Қишлоғимизда Мадрохим исмли почталовон яшайди. Биз уни Мадрохим почта, деб атаيمиз. Мадрохим амаки ёши эллиқдан ошиб қолган бўлса-да, ҳамон ўзини йигирма ёш деб тасаввур қилади. Айрим пайларда бизларни латталиқда айблаб, ўзининг ёшлиқдаги "шўйлик"ларини завқ билан хижоя қилиб беради.

Бир кун оғайнингнинг машинасида туман марказидан қайтарканда, йўлда бир даста газета-журналларни қўлтиклаб олган почтачига кўзимиз тушди.

-Объектайлик, савоб бўлади, - дедим дўстимга. Йўлда давом этдик. Мадрохим амаки билан бўлсангиз, асло эриқмайсиз. Дарров гапни жонларга бурди. Йўлда кўриниб қолган қиз-жувонларга суқ билан тикилади, бизга дашном беради:

-Сенларнинг ёшлигинг менда бўлса борми... - деди кўзини ним қисиб бош чайқаганча. - Нималар қилмасдим-а?!

Бир пайт амакининг завқи ошиб кетди, уч юз-тўрт юз кадам наридан шарпаси кўзга ташланаётган жувоннинг рўпарасида машинани тўхтатишимизни талаб қилди. Секинладик. Хали етмасимиздан, амаки ён томондаги ойнани тушириб, жувон томонга қичқирди.

-Хў, асал, ўтиринг, обориб қўямиз... Ваҳ, жонингдан-ей... Шундоқ баргинга боссанг... Ие?!

Беданадай сайраётган почтачи томоғига данак тикилган товукдек жижиллаб қолди. Не қўз билан кўрайликки, йўл четида Мадрохим амакининг катта қизи бизга ҳайрат билан тикилиб турарди.

Мен бу воқеани ҳеч кимга айтмадим. Қишлоқда дув-дув гап бўлиб кетмасин, дедим-да...

Хасан ТОШХўЖАЕВ

"СПАСИБО, МАСТАН МАМА"...

Дўхторларнинг Қавайдисини ҳамма билади. Дўхторлари ҳам яхши. Аммо... Сергей билан Татьяна бизга чақалогини ҳеч қолотолмади. Дўхторларга об-борса "соғ" дейишди. Тинмай йилгайди. Йўталмайди, қизимайди... йитгайди.

Бир юза оғвак узвативти хол-явалов бўрашди... қўшини Тожилов опа билан. Татьяна дардини айтиди. Қўшини опа эса йўл кўрсатди.

-Татьяна-ов... чақалогининг томирини ушла... "Кора тўрба" деган қишлоқ бор. Шунга етмай, Мастан момо деган "Профессор опа" бор... шигма-ниг... Бир томирини ушлабтиб кўр...

Сергей билан Татьяна машиналарида... "Нексия"да... излаб, топиб боришди. Чиқмаган жондан унда да... Ахир қанақа дўхтор кўрдим...

Мастан момо кўлди. Узбек чақалогини кўрман, тожиқ бўлса кўрман, татар чақалогини кўрдим. Урно хотинини чақалогини ҳеч кўрганим йўқ эди... Обке, қани болам...

Мастан момо Татьянанинг чақалогини эринмай кўрди. Қўзларини, қўлоқларини, томоқларини... "Томирини бўти" деди. Чақалогининг томирларини майин уладди (масоаж қилди). Мастан момо чақалоқ томирини ушлаш бўйича машҳур эмасми?!

Кетишди. Йўлда ҳайрон қолдишди. "100 сўм олди, тамом... Чақалоқ ухлаб қолди. Шу-шу... соғайди. Уйқусини топти. Қўлағидан бўлди. Энди эру хотинини кўнгли хижил. Чақалогининг тузалшини учун оз минг сўмга ҳам рози эди... Лекин 100 сўм беришди, холос. Умданин узиб турган боласини хўйга қайтарди-а... Татьяна жуда катта торт тайёрлади. Унга "Спасибо, Мастан мама" деб аёди. Тортни Сергей билан олиб боришди. Торт етти қўшига етди. "Спасибо, Мастан мама" деган гап эса бутун қишлоққа кетди.

Менгнор ОЛЛОМУРДОВ

(Боши 1-бетда) Бундай оқори кўрсаткичларга эришиш тўфайли жамият аъзолари етарли шариотлар яратиб бериш имкони туғилди. Биргина мисол: ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 34 минг сўмни ташкил этди. Илгорлардан Мирза Нажимов, Маткарим Жу-

“ЭЛНУР” ЭЛГА ТАНИЛДИ

маниёзов, Озод Эшнӣёзов, Дариҳа Бодиқова, Гулҳеҳра Еримбетова, Қурбонбўк Туржонов сингарларнинг ойлик маошлари эса 44-49 минг сўмга етди. Биз ишловчиларни кўнига бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлашни мунтазам равишда йўлга қўйдик. Бу мақсадлар учун икки ярим миллион сўм сарфланди. Олдин қорхонада иш-лаб кетган фахрийлар, кам таъ-

булиб бориши савоб ва хайр-ли ишларни амалга ошириш, ҳоимийлик қилиш имкони берди. Шу йил туман халқ таълими бўлимининг китоб фондиди кўпайтириш мақсадида 500 минг, марказий касалхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ярим миллион, ўлкашунослик музейи туман бўлимига 200 минг сўм, болалар спортини ривожланти-



етакчи олийгоҳларидан бири Наманган давлат университетиде таълим кредити соҳасида олиб борилаётган ишларга бирров разм ташайлик.

Хозирда университетда кундузги бўлимда-1707 нафар, сиртки бўлимда 706 нафар, магистратурада эса 43 нафар, иккинчи мутахассислик бўлима 348 нафар талаба контракт асосида таълим оляпти. Утган йилнинг ўзиде кундузги бўлимга 576 нафар, сиртки бўлимга 137 нафар талаба контракт асосида ўқишга қабул қилинди. -Контракт бўйича ўқишга киришди олийгоҳ, банк ва талаба ўртасида тузилган шартномадан ташқари олийгоҳ ва талаба билан ҳам икки

берилади, - дейди Зафаржон Худойбердиев, - қолган пуллари қайтарилмайди. Утган 2002-2003 ўқув йилида таълим кредити тўловини тўлай олмаганини учун 62 нафар йигит-қиз талабалик рўйхатидан чиқарилди.

62 нафар йигит-қиз... 62 қора кўз, 62 уйиб турган юрак, Уларни не-не умидлар билан ўқишга йўллаган, не-не йўллар билан банкдан кредит олиб, хурсанд бўлиб, ўгли ёки қизининг ҳаётда ўзини уддалаб кетадиган, жамиятга фойда келтирадиган етук инсон бўлишини орзиқиб кутаётган ва қўтилмаганда бутун оруз-умидлари чил-парчин бўлиб юраги айрон бўлиб кетган ота-она...

Кредит суммасини тўлов-

ришга 500 минг сўм ўтказдик. Ердამчи хўжаликни йўлга қўйиш борасида ҳам анчагина ишлар адо этилди. Айни пайтда 10 гектар ерга экилган полиз ва сазавотимиз ҳосил бера бошлади.


Маълумки, гишт учун турроқ олинган майдонларда таңдақлар ҳосил бўлади. Ана шу ҳандақлардан ўзига хос ҳовузлар барпо қилдик ва бир неча минг бош парранда боқшини бошладик. Мақсадимиз ҳиссадорлик жамияти аъзоларини деҳқончилик ва паррандачилик маҳсулотлари билан имкон даражасида таъминлашдан иборат.

...Фидокорона меҳнатлари билан элга танилган "Элнур"-чиларнинг келгуси ниятлари янада улкан. Улар эришилаётган ютуқларни кўпайтира бориш, мамлакат мустақиллигининг шонли 12 йиллигини муносиб қарши олиш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам ахшироқ, самаралироқ ишлаш орзусидалар. Биз бу борада уларга омадлар тайимиз!

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Бешариқ туманида сўнгги пайтда ободонлаштириш ишларига эътибор кўчатирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда гузарлар ташкил қилиниб, кўприклар қуриляпти, маҳаллар обод этиляпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Қурувчи Ўқтам Эгамбердиев. 2. Қуришда иш қизгин. Турғунбек МАҲҚАМОВ олган суратлар.



Бешариқ туманида сўнгги пайтда ободонлаштириш ишларига эътибор кўчатирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда гузарлар ташкил қилиниб, кўприклар қуриляпти, маҳаллар обод этиляпти.

Бешариқ туманида сўнгги пайтда ободонлаштириш ишларига эътибор кўчатирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда гузарлар ташкил қилиниб, кўприклар қуриляпти, маҳаллар обод этиляпти.

Бешариқ туманида сўнгги пайтда ободонлаштириш ишларига эътибор кўчатирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда гузарлар ташкил қилиниб, кўприклар қуриляпти, маҳаллар обод этиляпти.

Бешариқ туманида сўнгги пайтда ободонлаштириш ишларига эътибор кўчатирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда гузарлар ташкил қилиниб, кўприклар қуриляпти, маҳаллар обод этиляпти.

Бешариқ туманида сўнгги пайтда ободонлаштириш ишларига эътибор кўчатирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда гузарлар ташкил қилиниб, кўприклар қуриляпти, маҳаллар обод этиляпти.

СУВСИЗ ЯШАБ БЎЛАРМИКАН?

Хозирги вақтда чўққ сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга, истеъмол назоратига, санитария ҳолатига халқро ҳамжамият алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси нафақат бугун, балки чўққ сув ресурсларининг келажақда ҳам муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб 2003 йилни "Халқаро чўққ сув йили" деб эълон қилди. Мана, ўтган беш ой мобайнида чўққ сувни асраб-авайлаш, бир томчи ҳам несобуд қилмасликка дунё аҳолиси қатори юртимиз қишлоқ ва шаҳарларида ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Албатта, пойтахт барча масалаларда ибрат бўлмоғи зарур. Хўш, Тошкент шаҳрида чўққ сув захиралиридан нечоғлиқ фойдаланишмоқда? "Сувсозтрести" давлат унитар қорхонасида бўлганимизда, ана шу масала билан қиздик.

-Сув бу ҳаёт, тирикчилигимиз манбаи, - дейди қорхона бош мўҳандиси Фатҳулло Хидоят. - Унинг ҳар томчисини асраб-авайлаш, исроф қилмаслик бизнинг инсоний бурчимиздир. Болалигимизда ариқлардан тиниқ сувлар оқарди. Бемалол ариқ четига ёнбошлаб, оғзини қўйиб сув ичардик. Хозир-чи? Ушар қиш ҳам, сув ҳам қаёқда дейсиз. Борлариде ҳатто қўлингизни ювишга қўрқасиз. Чўчки, турли касалликларни келтириб чиқарувчи микроблар гиж-гиж унда. Бунга фақат ўзимиз айбдор. Ота-боболаримизнинг сув билан боғлиқ қадриятларини унутиб бораёلمиз.

-Сувни тежаб бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

-Маълумки, илгари фўқаролар сувдан истеъмолларида фойдаланар эди. Мана шу ҳолат сув қадрини анча тушириб юборди. Хозир-чи кунда кўп қаттиби уйларга сув ўлғачиқ асбоблари ўрнатилмоқда. Самараси тезда кўринди. Ҳеч ким энди пиво ёки тарвузни совутиш учун жўмрақни очиб остига қўймайди. Тошкент шаҳрида кўп қаватли уйларда яшовчи ҳар бир кишига бир кунлик ичимлик сув ҳаражати лимитида 330 литрни ташкил этади. Маҳалларда эса бу кўрсаткич 200 литр қилиб белгиланган. Бирок хозирча сув истеъмолли лимитдан анча оқори, яъни 500 литрни ташкил этаётди. Сув ўлғачиқ ўрнатилган хонадонларда эса бу кўрсаткич 160-180 литр бўляпти. Мутахассисларимиз томонидан мониторинг назорати ўтказилганда, сув истеъмолли маҳалларда ҳам ортиқча сарфланаётгани аниқланди. Сабаби, улар томорқа сугоришда ҳам, ҳовлисига селишда ҳам истеъмол учун белгиланган ичимлик сувидан фойдаланишяпти.

Тошкент шаҳри учун ичимлик суви асосан, очик ва ер ости сув манбаларидан олинади. "Қодирия" очик сув иншооти шаҳарга бир кунда 1 миллион 326 минг м³ сув етказиб беради. "Бўзсув" ариғи 235 минг м³ сув билан таъминляпти. Қирай ер ости сув иншооти ҳамда Жанубий ер ости сув иншоо-

ҳисобидан ўқийверади.

-Таълим кредитини оилавий жамғаримиздан тўлапимиз, - дейди Санобар Эргашева, - чўчки банк орқали кредит олишининг қийинчиликлари, югур-югурларни жуда кўп...

-Давлат таълим кредитини олиш учун миллий банкнинг туман филиалига жуда кўп бор қатнадик, - дейди география факультети II курс талабаси, тўрақўрғонлик Нилуфар Тўшбоева, - ҳар сафар турли баҳоналар рўқаб қилиб қайтараверишди. Охири Максим Токраев, йиғиб-терганимизни тўлаб ўқишга кирдим. Бўвиги нима бўлади, хайронман...

Нилуфарнинг бу сўзларидан кейин вилоят марказий

уҷрашдим. Ҳақиқатдан, кам таъминланган оилалар рўйхатида турар эканмиз-у, лекин ёрдам пули олмаган эканмиз. Маълумот бергани кўришди. Банк бошлиғи "2 фоизгина устамани тўлай олмайсизми?" дегандан кейин, уйимни гаровга қўйиб дастлабки йили 273 минг сўм кредит олдим. Яримни сентябр ойда, яна яримни февралда институтга ўтказиб беришди.

Фоизини тўлаб турдим. Сентабрга бориб бир ўчраб қўйлик, десам, "хали лимит келмади, хабар олиб туринглар" дейишди. Октябр бўлди. Уч-тўрт марта қикдим. Ноябрьда ҳам "лимит келмади". Наҳот сўраб Миллий банк вилоят бошқармасига бордим.

танишсақ бўладими? Юсуфжон "ҳозир олиб келаман" деб хонадан чиқди. Ва сал ўтиб, "бўлимдагилар объектларга чиқиб кетишибди. Хужжатлар ўшаларда эди", деб қайтиб кирди.

-Умуман, Отаҳонларнинг кредит фоизидан қанча қарзи бор?

-Компьютердан топинг, - дея топшириқ берди Юсуфжон хона бурчидаги компьютер қаршида ўтирган қизга. -6800 сўм, - деди халиғи киз.

-Демак, шу 6800 сўмни деб Ботиржон ўқишдан кетибди-да?

Уринбосар нима дейишини билмай қолди. Мана баъзи бир муаммоларнинг

ечими борми? Қандай қилса таълим кредити талаба ва ота-оналар учун қулайлик туғдиради?

-Тижорат банклари бўлимларига оқоридан қўшимча ресурслар ажратиш керак, - дейди вилоят Марказий банк тижорат банкларини назорат қилиш бўлими бошлиғи Акмалжон Меҳмононов, - кейин кредит фоизларини иложи борича қамайтириш керак...

-Худди бошловчи тадбиркорларга берилётган имтиёзли кредитлар сингари, - дейди банклар фаолиятини тартибга солиш бўлими бош мутахассиси Эгамберди Қаландаров, кейин изох беради, - хозирда амалдаги қонуналар бўйича бошловчи тадбиркорга бошланғич сармояни шакллантириши учун йилга 5 фоизлик кредит берилди. Тадбиркорга шўнақалар экан, мамлакатнинг келажағи ҳисобланган эртанги мутахассисга ҳам ўқиши учун худди шунақанги имтиёз берилса нур устига аъло нур бўларди.

Мутахассислар университет мутасаддилари, талабалар, ота-оналар билан суҳбатлашди, уларнинг фикрини тинглаб, маъжуд вазиятни кузатиб таълим кредити ҳақидаги меъёрий ҳужжатларга баъзи бир қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритишнинг пайти келмадимикан, деб ўйлаб қолдик.

Ортиқали НОМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

АЪЛОЧИ ЎҚИШДАН НЕГА ҚАЙДАЛДИ?

маганлиги учун жисмоний-маданнинг факультетининг I курс талабаси Марҳаб Азимов, чет тили факультетининг II курс талабаси Маъжуб Абдуллаева, III курс талабаси Максим Токраев, химия-биология факультетининг III курс талабаси Дилфуза Эгамбердиева, ўзбек филологияси факультетининг II курс талабаси Ботир Отахонов ва бошқалар институтдан кетишга мажбур бўлишган.

Биз улардан бири - Уйчи туманининг Ёрқўрғон қишлоғидаги Жамол Муродов қўчаси 40-ўйда яшовчи Ботир Отахонов ва унинг оила аъзолари билан учрашишга қарор қилдик. Уйчиға жўнашдан олдинроқ эса Зафаржон тақлиф талаб кредитга ўқиётган талабаларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

-Контракт пулини тўлай олмаганим учун бир йил қилиб кетиб, кейинги йили кирдим, - дейди биология факультети II курс талабаси Мунъвар Мўминова, - кредит фоизлари оқори бўлганлиғи учун ҳозир оилавий жамғаримиздан нақд пул тўлаб ўқингиз. Менимча, таълим контрактни ҳақидаги қарор аҳолининг ҳам таъминланган қисмига ёрдам, имтиёз тарзида чиққанлиғи аниқ. Шундай экан, гаровга қўйишга енгил машинаси ёки бошқа қимматбаҳо мол-мулк бўлишини талаб қилиш ҳам... менимча, ноқон. Енгил машинаси, мол-мулк бўлган одам кредит олмасдан, ўз

банкдан олинган, "вилоятдаги тижорат банк бўлимидаги тижорат берилган таълим кредити тўғрисида"ги маълумотга разм ташладик. Утган йили Поп туманида 40 нафар талабага 14 миллион 142 минг сўм, Уңқўрғон туманида 33 талабага 9 миллион 954 минг сўм, Чортоқ туманида 27 талабага 10 миллион 665 минг сўм, Чуст туманида 29 талабага 12 миллион 49 минг сўм, Янгиқўрғон туманида 38 талабага 7 миллион 138 минг сўм таълим кредити берилгани ҳолда 150 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Тўрақўрғон туманида бор-йўғи 4 нафар талабага 1 миллион 229 минг сўм кредит ажратилганини қандай баҳолаш мумкин? Бу Нилуфарнинг отасига ўқша ҳақ ўнлаб ота-оналар банк остонасига бориб "сарғайганимдан ниҳона эмасми?" Шундай қилиб, Уйчининг Ёрқўрғон қишлоғида тўлов кредитини тўлай олмаганилиғи учун ўқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган Ботир Отахонов хонадонидамиз.

-Отаси ишдан ортмаганлиғи учун Миллий банк туман бўлимида ўғлим Ботиржонга таълим кредити олиш учун асосан ўзим югурдим, - дейди Ботиржоннинг онаси Қаромат опа Отахонова, - айнан ҳаражатларини олиб бориб бердим. Меҳнат биржаси кредит фоизининг 50 фоизини қўтаради, дейишган эди. У ерғамиз уч-тўрт марта бордим. Мақдлага қониметидан хат бўлиши керак экан, маҳаллақўм раисига

ҚУРИЛИШДА ҲАМ ИХТИСОСЛАШУВ ЗАРУР

(Боши 1-бетда)
 Фармоннинг биринчи бандида лойиҳа ва пудрат ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш ишларини тўлиқ тугаллаш, уларнинг негизда асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, лойиҳа ва пудрат ишлари бозорида рақобат муҳитини яратиш — соҳада ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шу ўринда табиий савол туғилади: ҳозир республикамизда фаолият юритаётган мулкчиликнинг турли шаклидаги пудрат ташкилотлари ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошми? Буни таъминлаш учун нимага зарур эътибор бериш лозим?

Фикримизча, бунинг учун қуйидаги омилларга эътибор қилиш лозим: кадрлар тизимини қайта қўриб чиқиш, билими, мутахассислиги ва истеъдодига қараб жой-жойга қўйиш, уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бериш билан бир қаторда рақобатлаштириш тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Замонавий бозор талабларига мос ҳужжатли алоқалари ва муносабатларини қарор топтираш зарур. Қурилиш иншоотлари, иш сифатини жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш, хусусан, пудрат шартномаларини бажаришдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишга даркор. Таннархда тежамкорликка эришиш, ҳар бир ташкилот учун муҳим бўлган рентабелликни ошириш, пудрат ташкилотларини ихчам, қулай жиҳозлар,

асбоб-ускуна, машина ва механизмлар билан таъминлаш шарт.

Хориз давлатларидаги компаниялар фаолиятига бир назар ташлалик. АҚШда «Turner Constuction» компаниясига 1902 йилда Герри Тернер томонидан асос солинган. У ўз фаолиятида кучли маркетинг стратегиясига таянади. Жуда кичка вақт ичида ўз миқозлари ўртасида ишончга эга бўлди. Компания реконструкция ишларида консалтинг, лойиҳалар ва қурилиш менежменти, дизайн ва молия; қурилиш дастурларини кўп йўналишларда ишлаб чиқиш, асосий пудратчи сифатида ишларни ташкил этиш бўйича пудрат хизматларини тақлиф этади. Фаолиятининг илк кунларидан бошлаб интизом ва ҳалоллик, жамоа бўлиб миқозларга хизмат кўрсатишга ўз шижоатини аямайдиган, истеъдодли ва ўқимишли муҳандисларни ишга олиш тамойилларига амал қилади. Ташкилот муаммоларини ечишнинг янги технология ва усуллари бўйича ҳар қандай тақлифга катта эътибор билан ёндашади.

Компания ташкил этилганга 100 йилдан ошган бўлса ҳам, ходимларнинг билими ва инновацияга жуда катта эътибор бериб келмоқда. Жамоа эндигина институтни битирганлар ҳамда бирмунча тажрибали кадрларни ишга жалб этганидан фарқланади. Асосий фаолияти АҚШ, Шарқий Осиё, Европа, Латин Америкаси, Марказий Осиёдаги қурилиш билан боғлиқ бўлган соҳаларда ҳамкорлик қилишга йўналтирилган.

Ривожланган давлатларда пудрат ишлари билан шуғулланувчи компаниялар кўпроқ миқозлар буюрт-

маларига мослашиш, муайян соҳа ва йўналиш бўйича ихтисослашишга кўпроқ эътибор қаратади. Пудрат ишлари бозорида кўпроқ миқоз ишончини қозониш, унинг ўсиб бораётган талабларига мослашиш ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Бу борада, Президентимиз Фармонида кўзда тутилганидек, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг салоҳиятини кучайтириш лозим. Айниқса, қўмита қошидаги қурилиш ихтисодиёти ва янги технологиялар илмий-тежрибавий институтида пудрат ишлари бозори хусусиятларини ўрганиш, нафақат ички, балки минтақавий бозордаги талаб, жалб этилаётган сармоялар ва уларнинг истиқболли тўғрисида ахборот манбасини шакллантириш, лойиҳа-қурилиш ишларини бажаришда илгор хориз тажрибасини ҳамда янги технологияларни жорий қилиш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарур.

Шу билан бирга, қурилиш мажмуаси ва пудратни ташкил этишда маркетинг йўналишлари ҳамда тамойилларига асосланган бошқарув тизимини шакллантириш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий пудрат ташкилотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиги эса энг аввало, соҳада чуқур тадқиқотларни амалга ошириш ва кенг қўламли режаларни пухта ишлаб чиқишга бевоқифлик бўлмағидир.

Нуратилла УБАЙДУЛЛАЕВ,
 Ўзбекистон Республикаси
 Президенти ҳузуридаги
 Давлат ва жамят қурилиш
 академияси тингловчиси.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ихтисодини мустақамлашда асосий воситалардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳисобини тўғри олиб бериш ва мулк солигини тўлашда энг мақбул тамойиллардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш шароитида ана шу

узук мuddатли ижарага беришда олувчи ва берувчидаги эскириш суммаларини ҳисоб-китоб қилишда бир қатор чигалликлар юзга келаётганлигини айтиб ўтиш зарур. Бундай ҳолатларда ижарага берувчи асосий воситаларнинг дастлабки қийматини аниқ кўрсатмасликка интилади. Бу табиийки, баъзи тушуномчиликлари келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ана шу масалаларга оидлик қи-

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСА...

масалалар ечимини топишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.


Қишлоқ хўжалигида ихтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида кўпгина бошқа масалалар каторида асосий воситаларни ҳисобга олиш, уларни мулк солиғига жалб этиш ва бухгалтерия ҳисобларини юритиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилини ҳамда улар тобора такомиллаштириб бериш талаб этилади.

Асосий воситаларнинг ижара мажбуриятларини белгилашда уларнинг ҳақиқий ва қоплов қийматларига аниқлик киритиб олиш фойдадан ҳоли бўлмайдми. Негаки, бундай шароитда асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, улардан узук мuddатли фойдаланганлик учун фозиз қиймати, жорий қарови, таъмирлаш ва бошқа харажатлар тўла ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари асосий воситаларнинг турлари бўйича солиқ тўлаш йўлга қўйилса, қишлоқ хўжалиги корхонасининг манфаатдорлиги ва уни рағбатлантириш омили янада кучайиб, самараси ошади. Баён этган тақлиф ва мулоҳазаларимиз соҳа мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади, деган фикрдамыз.

А.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
У.МУСИНОВ,
 Тошкент Молия институти магистрантлари.

риш талаб этилади.

Асосий воситаларнинг ижара мажбуриятларини белгилашда уларнинг ҳақиқий ва қоплов қийматларига аниқлик киритиб олиш фойдадан ҳоли бўлмайдми. Негаки, бундай шароитда асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, улардан узук мuddатли фойдаланганлик учун фозиз қиймати, жорий қарови, таъмирлаш ва бошқа харажатлар тўла ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари асосий воситаларнинг турлари бўйича солиқ тўлаш йўлга қўйилса, қишлоқ хўжалиги корхонасининг манфаатдорлиги ва уни рағбатлантириш омили янада кучайиб, самараси ошади. Баён этган тақлиф ва мулоҳазаларимиз соҳа мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади, деган фикрдамыз.




БУШ: ХАМАС ТУГАТИЛИШИ КЕРАК

АҚШ президенти Жорж Буш Европа Иттифоқи раҳбарлари саммитидаги чиқиши вақтида Яқин Шарқда тинчликка эришиш учун ХАМАС каби экстремистик гуруҳларни қўллаб-қувватлаётган ва молиявий жиҳатдан ёрдам бераётган каналларни тўхтатиш кераклигини айтган.

Шунингдек, у ХАМАС уч ой мuddатга ўзининг Исроилга қарши йўналтирилган қўпурчилик ҳаракатларини тўхтатишга ҳақиқий хабарларга ишонмаслигини билдирган. Унинг фикрича, Яқин Шарқ аҳолиси тинч-тотув яшашни хоҳлайди. Бунинг учун эса ХАМАС ва бошқа қуролли гуруҳларни тугатиш лозим.

Кеча Фазо секторидagi Байт-Хонун шаҳрида эса 2 нафар ХАМАС ташкилоти аъзолари Исроил армияси томонидан ўлдирилган, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.



АСКАРЛАР СОНИ ОШИРИЛИШИ МУМКИН

Буюк Британия мудофаа вазири Жеф Хун Ироқда турган инглиз аскарлари сони оширилиши мумкинлигини айтган, дея хабар беради BBC News.

Хозирда мудофаа вазири Ироқдаги ўз аскарларининг тактикаси, техник имкониятлари каби масалаларни ўрганиб чиқмоқда. Шунингдек, Басра яқинида ўлдириб кетилган 6 нафар британ аскарларининг ҳам қотиллари қидирилаётган бўлиб, уларни топшишда маҳаллий аҳолига қўйилган 48 соатлик ультиматумни расмий Лондон рад этди.

Ироқдаги Британия қўмондонлиги матбуот котиби Ронни Маккарт 6 нафар ҳарбийнинг ўлимининг бесабаб фожиа, дея изоҳлаган.

МУҲАММАД АС-САҲАФ ТИРИКМИ?

"Вашингтон таймс" газетасининг ёзишича, АҚШ ҳарбийлари Ироқнинг собиқ ахборот вазири Муҳаммад Саид ас-Сахафнинг хибсга олинганлиги ҳақида тарқалган хабарларни тасдиқлашмаган.

Шунингдек, у Американинг 55 кишилик "қора рўйхат"ига ҳам киритилмаган. Лекин ушбу ҳафта аввалда фарб оммавий ахборот воситалари ас-Сахафнинг ушланганлиги ҳақида бонг урган эдилар. Хусусан, Британиянинг "The Sun" газетаси собиқ вазири Бағдод яқинидаги қариндошининг уйда қўлга олинганлиги ҳақидаги назар ташласак, аввало, унинг ўз жонига қасд қилганлиги, сўнграқ эса "Ал-Арабия" телеканалига сиёсий шарҳловчи бўлиб ишга қираётганлиги ҳақида хабарлар тарқалган эди.

ПЕКИН SARSДАН ХОЛИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Пекин шаҳрини SARSдан ҳоли ҳудуд дея эълон қилди ва хоризликларнинг ушбу шаҳарга келишлари мумкинлигини маълум қилди.

Пекин номаълум зотилжам касалидан энг кўп азият чеккан шаҳарлар сирасига кириб, ушбу хасталик Хитой пойтахтининг 347 нафар аҳолиси ёстигини қуритди. Касаллик билан оғриш ҳолатлари эса 29 майдан буюн кузатилгани йўқ. Аммо бутунга қадар SARS тўғрисида дунё бўйича 806 киши ҳаётдан кўз юмди ва 8461 киши зарарланди. Грецияда эса хитойлик бизнесмен хасталикда гумон этилиб, шифохонага ётқизилган. Хозирда у тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, гарчи бугун SARS хавфи пасайган бўлсада, дунё давлатларини ҳушёр бўлишга ва вазиятга жиддий эътибор қаратишга чақирган.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

SPORT OLAMIDA

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Буюк Британияда жаҳоннинг энг кучли теннисчилари ўртасида ташкиллаштирилган Уимблдон турнири бошланганлигидан мухлисларнинг хабари бор.

Ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ирода Тўлановага дастлабки учрашувда омад қулиб боқди. АҚШлик Глюксон билан қорға тушиб, куч синашган теннисимиз маликеси Ирода икки сет натижасига кўра 7/5, 6/4 ҳисобида муҳим галабани қўлга киритиб, кейинги босқичда катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЛЬЮИС АВВАЛГИДЕК ЭМАС

Ўтган шанба кунини Лос-Анжелесдаги "Стэплэс центр" саройида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпионилигини ўзида сақлаб қолиш учун британиялик Леникс Льюис украинлик Виталий Кличкога қарши жанг ўтказган эди.

БАРТЕЗ ОТА БЎЛДИ

Биринчи фарзанди дунёга келган мохир дарвозабон Фаъён Бартез ўғлига Ленини дея исм қўйди.

Чақалоқнинг оғирлиги 3 килограмм бўлиб, унинг бўйи 50 сантиметрга етади. "Франция - 98" уйинларининг энг яхши дарвозабон номини олган Бартезнинг ота бўлганидан 16 дақиқа ўтиб, ушбу хушхабар "Стад де Франс" уйингоҳида Франция ва Янги Зеландия терма жамоалари ўртасида бўлаётган учрашунинг 10 минглаб мухлислари ҳам етказилди.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

ТАРДАН БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ НАРХИ 2424000 СЎМ.

Ташкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 1,8,15,22,29 август, 5,12,19,26 сентябр кунлари соат 11-00да Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносидан ким ошди савдолари ўтказди.

Савдоларга:

1. Тошкент шаҳрининг қуйидаги туманларида жойлашган яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдирилдиган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи:
 - С.Раҳимов тумани, Академик Юнусов кўчасида жойлашган майдони 0,04 гектардан бўлган 2 та ҳар бирининг бошланғич нархи 1192000 сўм;
 - Юнусов тумани, Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган майдони 0,02 га, бошланғич нархи 1096000 сўм, майдони 0,015 гектардан иборат 2та, ҳар бирининг бошланғич нархи 822000 сўм ва майдони 0,03 гектардан иборат бўлган 2та, ҳар бирининг бошланғич нархи 1644000 сўм.
 - Жараник тумани, «Жараник» даҳасида жойлашган ҳар бирининг майдони 0,04 гек-
2. Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлинмаси тақдим этган Тошкент шаҳри, Миробод туманида жойлашган уй-жойлар қўйлади:
 - Афросиёб кўчаси, 41г-уйнинг 3-хонали 15-хонадон, бошланғич нархи 3029456 сўм;
 - Чимкент кўчаси, 3-уйнинг 4-хонали 4-хонадон, бошланғич нархи 3013673 сўм.
3. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт.
4. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
 - Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

"ФАЛЛАБАНК"

Серверлар сотиб олиш учун конкурс эълон қилади.

Кўшимча маълумотларни 2003 йил 8 июлгача соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

700060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 2-қават, 211-хона.

Тел.: 136-16-03

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 233-мактаб томонидан Шигиқина Наталья Евгеньевна номига берилган АУ № 312241-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлигининг 1999 йил 31 мартдаги 310-сонли қарорига мувофиқ яқка тартибдаги хусусий тадбиркор Қаюмова Раҳима Джурбаева номига № 509242-рақамли билан рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан Зокиров Мирзупар Мираҳмедович номига берилган 4-26/2001 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги А.П.Хлебущкина номли 22-меҳрибонлик уйи 2003 йил 20 июндан капитал қурилиш-таъмирлаш ишларига тендер эълон қилинганлигини билдирди. Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Байналмиал кўчаси 24-уй.

Дехқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-драхтарлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, энгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг.

"Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидagi "Агрихим" Ўзбекистон-Италия кўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампаня винолари заводи.

Автобуслар: 16, 21, 30.

Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.

"Асака" банки

"Ўздэуавто"

компанияси билан биргаликда автомобилларни 2003 йил 1 августгача КРЕДИТГА СОТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Шошилинг!

Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда

Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда 2 йил давомида тўланади.

Автомобиллар ҳақидаги ўз орезуингизни рўёбга чиқаринг!

Кредит таъминоти учун гаровга қўйилган автомобилларни "Ўзагросугурта" давлат акциядорлик сугурта компанияси турли қилтирилган қўлга тариф ставкаларида сугурта қилади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-34-78; 133-31-32.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўли остидаги давлат акциядорлик сугурта компанияси.

"Тошкентулгуржибиржасавдо" МЧЖ Кенгаши

2003 йил 23 июлда таъсисчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани Кипчоқ кўчаси, 56-уй.

Мажлис соат 15⁰⁰да бошланади. Телефон: 58-72-56.

КУН ТАРТИБИ

1. "Тошкентулгуржибиржасавдо" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилар таркибига ўзгартириш киритиш.
2. Таъсисчи Х.Муратовнинг аризасини қўриб чиқиш.
3. Масъулияти чекланган жамият Устав жамғармасига 25 фозиз давлат улушини киритиш масаласи.
4. Жамият номини «Тошкентвилоятулгуржисавдо» деб ўзгартириш масаласини қўриш.
5. Бошқа масалалар.

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Буюк Британияда жаҳоннинг энг кучли теннисчилари ўртасида ташкиллаштирилган Уимблдон турнири бошланганлигидан мухлисларнинг хабари бор.

Ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ирода Тўлановага дастлабки учрашувда омад қулиб боқди. АҚШлик Глюксон билан қорға тушиб, куч синашган теннисимиз маликеси Ирода икки сет натижасига кўра 7/5, 6/4 ҳисобида муҳим галабани қўлга киритиб, кейинги босқичда катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЛЬЮИС АВВАЛГИДЕК ЭМАС

Ўтган шанба кунини Лос-Анжелесдаги "Стэплэс центр" саройида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпионилигини ўзида сақлаб қолиш учун британиялик Леникс Льюис украинлик Виталий Кличкога қарши жанг ўтказган эди.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 1,8,15,22,29 август, 5,12,19,26 сентябр кунлари соат 11-00да Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносидан ким ошди савдолари ўтказди.

Савдоларга:

1. Тошкент шаҳрининг қуйидаги туманларида жойлашган яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдирилдиган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи:
 - С.Раҳимов тумани, Академик Юнусов кўчасида жойлашган майдони 0,04 гектардан бўлган 2 та ҳар бирининг бошланғич нархи 1192000 сўм;
 - Юнусов тумани, Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган майдони 0,02 га, бошланғич нархи 1096000 сўм, майдони 0,015 гектардан иборат 2та, ҳар бирининг бошланғич нархи 822000 сўм ва майдони 0,03 гектардан иборат бўлган 2та, ҳар бирининг бошланғич нархи 1644000 сўм.
 - Жараник тумани, «Жараник» даҳасида жойлашган ҳар бирининг майдони 0,04 гек-
2. Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлинмаси тақдим этган Тошкент шаҳри, Миробод туманида жойлашган уй-жойлар қўйлади:
 - Афросиёб кўчаси, 41г-уйнинг 3-хонали 15-хонадон, бошланғич нархи 3029456 сўм;
 - Чимкент кўчаси, 3-уйнинг 4-хонали 4-хонадон, бошланғич нархи 3013673 сўм.
3. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт.
4. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
 - Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

